

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ**  
**РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТОШЕВ БЕКЗОД БОТИРОВИЧ**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ЭНДОТЕЛИН 1 ВА ТОМИР**  
**ЭНДОТЕЛИЙ ЎСИШ ОМИЛИНИНГ МИОКАРД**  
**РЕМОДЕЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Тошев Бекзод Ботирович**

Юрак ишемик касаллигида эндотелин 1 ва томир эндотелий ўсиш омилнинг миокард ремоделланишидаги аҳамияти ..... 3

**Тошев Бекзод Ботирович**

Роль эндотелина 1 и фактора роста эндотелия сосудов на ремоделирования миокарда при ишемической болезни сердца ..... 33

**Toshev Bekzod Botirovich**

The role of endothelin 1 and vascular endothelium growth factor on myocardial remodeling in coronary heart disease ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ**  
**РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ТОШЕВ БЕКЗОД БОТИРОВИЧ**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ЭНДОТЕЛИН 1 ВА ТОМИР**  
**ЭНДОТЕЛИЙ ЎСИШ ОМИЛИНИНГ МИОКАРД**  
**РЕМОДЕЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib1075 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аляви Анис Лутфуллаевич**  
ЎзР ФА Академиги, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сабиров Мақсуд Атабаевич** – Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий ишлар бўйича директори ўринбосари, т.ф.д., профессор

**Кенжаев Сирожиддин Рашидович** – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Кардиоресанимация бўлими катта илмий ходими, DSc

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 12 » март соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Йирик тадқиқот марказларининг маълумотларига кўра, «...юррак қон-томир касалликлари (ЮҚТК) бутун дунё бўйлаб ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади...»<sup>1</sup> бу унинг аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, ҳамда ўлимнинг етакчи сабабларидан бири эканлиги билан боғлиқ. Юрак-қон томир касалликларини даволашга қизиқиш юрак ишемик касаллигининг кенг тарқалиши, унинг ногиронлик ва ўлим сабабларидаги етакчи роли билан белгиланади, бу муаммо нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга. 21-асрнинг бошларига келиб, тадқиқотчиларнинг эътибори юрак ишемик касаллигининг шаклланишидаги эндотелиал дисфункциянинг ролига қаратилди.

Жаҳон миқёсида эндотелиал дисфункция бир томондан вазодилатация килувчи, антипролифератив омиллар (NO, простациклин, тўқималарнинг плазминоген фаоллаштирувчиси, С типидagi натрийуретик пептид, эндотелиал гиперполяризация омили) ва бошқа томондан вазоконстриктив, протромботик, пролифератив омиллар (эндотелин-1, супероксид-анион, тромбоксан А2, тўқима плазминоген фаоллаштирувчи ингибитори) ишлаб чиқарилиши ўртасидаги номуаносибликдир. Иккинчисининг ривожланишида етакчи рол эндотелий томонидан ишлаб чиқарилган азот оксиди (NO) биологик мавжудлигининг бузилиши, эндотелин 1 нинг фаоллашиши ва томир эндотелий ўсиш омилининг (VEGF) пасайишига тегишли. NO синтезини камайиши юрак-қон томир касалликларининг асосий патогенетик механизмларидан бири ҳисобланади<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларга юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан яхшилаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларнинг асоратларини эрта ташхислаш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида юқори сифатли терапевтик ёрдамни кўрсатишда ижобий натижаларга эришилди. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, кардиологияда ҳам мақсадли чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш учун 2022-2026 йилларда мўлжалланган тараққиёт стратегиясига мувофиқ тиббий ёрдам сифатини ошириш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони<sup>3</sup>, 2021 йил 28 июлдаги ПФ-

<sup>1</sup> Камалов, А. Х., & Рахимов, М. Т. (2018). Исследование роли эндотелиальных факторов в миокардиальной ремоделировании при ишемической болезни сердца. Кардиология в Узбекистане, 24(3), 46–50.

<sup>2</sup> Gudbjornsdottir S., et al. Endothelin in the pathogenesis of ischemic heart disease. J. Mol. Cell Cardiol. 2012;53:128–137.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.

5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>4</sup>ги ва 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг республика илмий тадқиқотининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи** <sup>3</sup>.

Дунёнинг бир қатор йирик илмий ва олий ўқув марказларида юрак ишемик касалликларида эндотелийнинг тузилиши ва функциясининг бузилиши қон томир деворининг тонуси ҳамда тромбогенлигига сезиларли таъсир кўрсатади ва у томонидан ишлаб чиқарилган нейрогормонлар қон томирлари ҳамда юракнинг ремоделланишини кучайтириши мумкин, усусан University of Sydney (Австралия), King’s College Hospital, (Буюк Британия), University of Barcelona (Испания), New York University School of Medicine, Stanford University, Columbia University, University of Illinois (АҚШ), University of Pavia, University of Pisa, (Италия), Paris Descartes University, (Франция), University of Belgrade (Сербия), ГОУ ВПО И. М. Сеченов Москва тиббиёт Академияси (Россия), Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Ҳозирги вақтда эндотелий дисфункцияси ва шикастланишининг белгилари унга боғлиқ вазодилатация пасайиши, қондаги тартибга солувчи пептидлар даражасининг ўзгариши: эндотелин-1, простаглицин, Виллебранд омили, ўсиш омили ва айланиб юрувчи десквамацияланган эндотелий хужайралар сонининг кўпайиши (King’s College Hospital, (Буюк Британия)). Қон плазмасида қон томир девори шикастланган ҳудудда тромбоцитларнинг субэндотелийга ёпишишини ва коагуляцион VIII омилнинг ўтишини таъминловчи Виллебранд омили даражасининг ошиши эндотелиал хужайралар шикастланишининг белгиси тромбоцитлар ёпишқоқлиги ва агрегациясининг кучайиши билан боғлиқ тизимли эндотелиал дисфункциянинг акси бўлиб хизмат қилади (New York University School of Medicine).

Кўпгина тадқиқотлар эндотелий NO синтаза (eNOS) эндотелий томонидан азот оксиди (NO) синтези учун жавоб беради ва қон томирлари тонусини, томир деворининг силлиқ мушакларининг ишлашини ва тромб ҳосил бўлиш жараёнларини тартибга солишда асосий фермент саналади. Томир деворида NO нинг етишмаслиги сабаблари, бир томондан, тегишли фермент - эндотелий NO синтаза экспрессиясини камайиши туфайли унинг

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 28.07.2021 йилдаги ПҚ-5199-сон

синтезининг пасайиши ва бошқа томондан, кимёвий нейтраллаш аллақачон ҳосил бўлган NO молекулаларининг оксидловчи стресс жараёнларида асосий бўлган сифатида – супероксид-анионининг шаклланиши ҳисобланади. Сўнгги ўн йил ичида бир қатор экспериментал ва клиник тадқиқотларда, уларни сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ривожланишида тизимли оксидловчи стресснинг роли кўрсатилган (Moncada S., Higgs A., 2011; Niebauer J., 2013).

Дунё бўйлаб юрак қон томир касалликлари билан оғриган беморларда томирларни ремоделланиши ва эндотелиал дисфункция ривожланишининг мумкин бўлган янги белгиларини излаш катта қизиқиш уйғотади. Сўнгги йилларда эндотелий дисфункциянинг ривожланишидаги роли кенг муҳокама қилинган генлардан бири бу эндотелий NO синтаза (eNOS) генидир. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда касаллик ва ремоделланиш жараёнларида эндотелий дисфункциянинг ривожланишининг клиник, гемодинамик ва гуморал белгиларини ўрганиш илмий амалий аҳамиятга эга.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги ўн йил ичида томир эндотелий ўсиш омиллари (VEGF) ҳақидаги илмий тадқиқотлар кўп йиллар давомида олиб борилган бўлиб, уларнинг физиологик ва патологик жараёнлардаги аҳамияти аниқланган. Ҳозирги кунга келиб, VEGF-A изоформалари ва уларнинг турли хил рецепторлар билан ўзаро таъсири тўғрисида кўплаб маълумотлар тўпланган. Шунингдек, бу омилнинг юрак-қон томир касалликларидаги, шу жумладан, юрак ишемик касаллиги ва миокард инфарктидаги роли тўлиқ ўрганилган.

Бугунги кунда VEGF-A нинг инсон миокардида ифодаланиши ва секрецияси бўйича маълумотлар чекланган бўлса-да, экспериментал тадқиқотлар бу молекуланинг миокарддаги қон томирларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. VEGF-A ва унинг рецепторларининг экспрессияси инфарктдан кейинги даврда, айниқса, периинфаркт зонасида фаоллашади. Шунингдек, VEGF-A нинг ангиоген таъсирини оширувчи ва пасайтирувчи факторлар ҳам аниқланган бўлиб, бу жараёнларнинг самарали бошқарилиши даволаш тактикалари ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

VEGF-A ва эндотелин тизимининг ўзаро таъсири ҳам долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб, бу икки молекуланинг юрак-қон томир тизимидаги ролини чуқурроқ ўрганиш талаб қилинади. Айниқса, VEGF ингибиторларидан фойдаланиш натижасида эндотелин-1 концентрациясининг ошиши ва бунинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган юрак-қон томир муаммолари бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Шу боис, VEGF ва эндотелин тизимларининг юрак ишемик касаллиги ва миокард ремоделланишидаги ўрнини янада аниқлаш мақсадида келгуси тадқиқотлар талаб этилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ФЗ-20170927350 "Юрак

ва қон томирларининг ишемик ремоделланиш ривожланишининг клиник-генетик ва нейрогуморал механизмларини аниқлаш асосида юрак ишемик касаллигини дифференциал даволаш ва олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш" номли амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2023-2024).

**Тадқиқотнинг мақсади** юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда чап қоринча ремоделланишининг ривожланиши ва турлари бўйича эндотелиал дисфункциянинг гуморал белгилари - эндотелин 1 ва томир эндотелий ўсиш омилининг аҳамиятини ҳамда уларга антиоксидант ва азот оксиди донаторлари таъсирини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эндотелийнинг функционал ҳолатини компрессион манжет синамаси ёрдамида баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда дисфункциянинг хусусиятларини ва чап қоринча ремоделланиши турларини ўрганиш;

юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункциянинг гуморал белгиларини ўрганиш - эндотелин 1 (ЕТ-1), томир эндотелий ўсиш омилли (VEGF);

юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эндотелий дисфункцияси кўрсаткичлари ва чап қоринча ремоделланиш жараёнлари ўртасидаги муносабатни баҳолаш;

миокардни патологик ишемик ремоделланиши нуқтаи назаридан эндотелийнинг функционал ҳолатига таъсир қилувчи дори воситаларининг самарадорлигини аниқлаш;

эндотелиал тизим дисфункцияси белгилари мавжудлигига қараб, миокардни патологик ремоделланиши билан юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** коронароангиография текшириш усули билан тасдиқланган юрак ишемик касаллиги бўлган 108 бемор.

**Тадқиқот усуллари** клиник тадқиқотлар натижалари, эхокардиография, эндотелийга боғлиқ вазодилатация, томир эндотелий ўсиш омилли, эндотелин-1 концентрацияси, статистик маълумотлар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

коронароангиография текшириш усули билан тасдиқланган юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда эндотелиал функцияни сигнал қилиш йўллари фаоллиги ҳолати ўрганилди;

юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда миокарднинг структуравий ва функционал ремоделланиш шакллари ва эндотелиал функция ҳолати баҳоланди;

систолик дисфункция билан миокардни ишемик ремоделланиши ривожланишининг маркерлари ва уларнинг прогностик аҳамияти аниқланди;

юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда эндотелий ва миокард ишемик дисфункцияси нуқтаи назаридан триметазидин ва L-аргининнинг

самарадорлиги, шу жумладан томир эндотелий ўсиш омили концентрацияси таъсирига қараб ўрганилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

юрак ишемик касаллигида эндотелин 1 ва томир эндотелий ўсиш омилининг миокард ремоделланишидаги аҳамиятини антропометрик кўрсаткичлари, хавф омиллари, лаборатор-биокимёвий ҳамда инструментал текширув натижаларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

юрак ишемик касаллигида эндотелин 1 ва томир эндотелий ўсиш омилининг миокард ремоделланишини ташхислашнинг лаборатор-биокимёвий ва функционал стандарти меъзонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текширув усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти томир эндотелий ўсиш омили ва эндотелин-1 концентрацияси чап қоринча миокардини патологик ремоделланишининг прогностик белгилари сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Томир эндотелий ўсиш омили концентрацияси 654 пг/мл дан юқори бўлган беморларда чап қоринча отиш фракцияси паст бўлган ишемик юрак касаллиги, назорат гуруҳида 3,44, эндотелин-1 1,95 фмол/л дан юқори бўлган беморларда - 2,33 ни ташкил этди. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот нафақат эндоваскуляр дисплазиянинг бузилишида, балки чап қоринча систолик функциясининг пасайиши билан ишемик миокард ремоделланиши ривожланишида томир эндотелий ўсиш омили ва эндотелин-1 концентрациясини ошиши, шунингдек, миокард систолик дисфункциясининг ривожланишида коронар шикастланиш белгиларининг прогностик аҳамияти ва чап қоринча миокарди ремоделланиши варианты муҳим аҳамиятини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миокарднинг функционал хусусиятларини ва чап қоринча бўшлиғининг геометриясини яхшилаш мақсадида даволашни оптималлаштиришга қаратилган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди. Алгоритм диагностик ва терапевтик компонентларни ўз ичига олади ва эхокардиография, эндотелийга боғлиқ вазодилатция ва томир эндотелий ўсиш омили концентрациясини баҳолашни тавсия қилади. Алгоритм шунингдек, триметазидинни камида уч ой давомида кунига 80 мг дозада асосий анти-ишемик терапия режимига киритиш тавсиясини ўз ичига олади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Илмий тадқиқотнинг олинган натижалари асосида юрак ишемик касаллиги билан оғриган

беморларнинг функционал ҳолати ва эндотелий дисфункциясининг ташхислаш тамойилларини такомиллаштириш ўрганиш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

терапевт ва кардиологлар учун “Юрак қоринчалари ремоделланишида қон томир эндотелий дисфункциясининг ташхислаш тамойилларини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома чоп этилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7 сонли йиғилиш баённомасига асосан тасдиқланди.

Соғлиқни сақлаш амалиёти учун ушбу тавсиянома, ташхислаш ва даволаш усуллари ўта муҳим ҳамда устувор вазифа сифатида тан олинган муаммони аниқлашга ва унинг амалга оширилиши келгуси ўн йиллар давомида аҳоли саломатлигини тиклашга имкон бериши таъкидланади. Юрак ишемик касаллиги узоқ вақт сурункали равишда кечиб, беморлар фақат ўпка патологияси туфайли эмас, балки юрак қон томир патологияси сабабли ҳам азият чекади. Бу эса беморларни қайта - қайта стационар даволанишига сабаб бўлади. Шунинг учун, бу даврда беморлар ташқи нафас фаолияти, ҳаёт сифати кўрсаткичлари кескин пасайган бўлиб, улар доимий стационар даво ва ўрин босувчи терапияга муҳтож бўлиб қолишади.

Услубий тавсияноманинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда Пономарева Л.А. ва ҳаммуаллифлар (2016 йил) томонидан модификация қилинган Шамшурина Н.Г. ва ҳаммуаллифлар (2008 йил) ишлаб чиққан тамойиллар асос қилиб олинди. Шу тавсиялар асосида иқтисодий самарадорликни баҳолашда молиявий харажатларни қиёсий баҳолаш икки вақт оралиғида ўтказилди: ушбу ишланма тадбиқ этилгунча ва тадбиқ этилгандан сўнг.

Харажатларни минималлаштириш таҳлили (cost minimization analysis) куйидаги формула билан ўтказилди:

$S_{ma} = \text{ТХҚ тадбиққача} - \text{ТХҚ тадбиқдан сўнг}$  (йиғинди), бунда,

$S_{ma}$  - харажатларни минималлаштириш таҳлили (cost minimization analysis),

ТХҚ - тиббий хизматлар қиймати (сўм), услубий тавсиянома тадбиқ этилгунча ва этилгандан сўнг,

$S_{ma} = \text{ТХҚ тадбиққача} - \text{ТХҚ тадбиқдан сўнг} = (654321 - 563460) = 90861$  сўм.

ТХҚ ҳажми тадқиқотлар ўтказишга сарфланган харажатларни ҳисобга олган ҳолда молия ходимлари томонидан ҳисобланди. Услубий тавсиянома тадбиқ этилгунча ЮИК бўлган беморга ташхис қўйиш, даволашга қаратилаган чора тадбирлар учун бир йилда ўртача 654321 сўм сарфланган бўлса, тавсиянома тадбиқ этилгач, бу харажатлар 563460 сўмгача камайди. Тадқиқотлар бўйича эрта босқичларда аниқланган ЮИКда, текшириш усуллари ўтказиш, даволаш чора тадбирлари бўйича бир бемор учун бир йилда ўртача 90861 сўм тежалди.

“РИТваТРИАТМ” ДМ кардиология бўлимидаги клиник тадқиқотлар маълумотлари юрак ишемик касаллигини даволаш усулларини оптималлаштириш учун ишлаб чиқилган усулларни жорий этиш билан касалликнинг клиник йўналишини ва ҳаёт сифатини яхшилашга ва ўлимни камайтиришга ёрдам берди. Касалхонага ётқизиш частотаси, даволаниш муддатини қисқартириш ва юрак ишемик касаллиги бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади.

Касалликни оғирлик даражасини баҳолаш ва ташхислашни оптималлаштириш бўйича текшириш натижалари “Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий маркази” кардиология бўлимида, Тошкент вилояти соматик касалликлари шифохонаси кардиология бўлимида, Гулистон тиббиёт кластери терапия бўлимида, Жондор туман тиббиёт бирлашмаси кардиология бўлимида соғлиқни сақлаш амалиётига киритилди. Татбиқ қилинган натижалар касаллик кечиши эҳтимоллигини аниқлашга имкон беради, беморларнинг клиникада бўлиш куни қисқарганига таъсир кўрсатиб ҳаёт сифати яхшиланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси маҳаллий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, амалий тавсия ва фойдаланилган адабиётлардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик кўрсатилади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, уларнинг илмий- амалий аҳамияти, амалиётга татбиқ этилиши, апробация тадқиқоти натижалари, чоп этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар очиб берилади.

**Диссертациянинг биринчи боби** «Адабиётлар шарҳи» томир эндотелий ўсиш омили (VEGF) нинг физиологик ва патологик жараёнлардаги роли кенг ёритилган. VEGF қон томирларининг ўсишини бошқарувчи асосий сигнал молекуласи ҳисобланиб, ангиогенез ва васкулогенез жараёнларида иштирок этади. Тадқиқотлар шунни кўрсатадики, VEGF-А турли изоформалари орқали хужайраларнинг ўсиши, миграцияси ва дифференцияланишига таъсир қилади.

Шунингдек, VEGF нинг юрак-қон томир тизимидаги ўрни ўрганилган. Юрак мушак ҳужайралари – кардиомиоцитлар VEGF ишлаб чиқарувчи ва уни нишонга олувчи асосий ҳужайралардан бири эканлиги қайд этилган. VEGF нинг юрак етишмовчилиги, миокард инфаркти ва атеросклероз каби касалликлардаги таъсири илмий тадқиқотлар орқали таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, VEGF ва эндотелин тизимлари ўзаро боғлиқлиги ҳам муҳокама қилинган. VEGF ангиогенезни фаоллаштиради, эндотелин-1 томирларнинг торайишига ва қон босимининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу икки тизимнинг мувозанати юрак-қон томир касалликларининг ривожланишига бевосита таъсир қилади.

Бобда мавжуд илмий адабиётлар таҳлил қилиниб, VEGF ва юрак-қон томир тизимидаги патологик жараёнлар ўртасидаги боғлиқлик чуқур ёритилган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**» иккинчи бобида текширилаётган беморларнинг умумий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек тадқиқотлар ҳақида маълумотлар мавжуд. **Клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси ССВ “РИТ ва ТРИАТМ” Давлат муассасаси стационарида кузатувда бўлган юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан оғриган 108 нафар бемор иштирок этди. Беморларнинг ташхиси клиник белгилари, миокард инфаркти тарихи, электрокардиографик маълумотлар ҳамда коронар ангиография натижаларига асосланган. Барча беморларда артериал гипертензия, 2-тур қандли диабет, инсулинга сезгирлик пасайиши, гиперурикемия каби фон патологиялари қайд этилган.

Тадқиқот усуллари. Барча беморлар ва 20 нафар соғлом кўнгиллилар (назорат гуруҳи) эхокардиография (ЭхоКГ), эндотелий функцияси тестлари (эндотелийга боғлиқ вазодилатация, VEGF ва ET-1 концентрацияси) орқали текширилди. Кейин беморлар 2 гуруҳга бўлинган:

- Т гуруҳи – триметазидин (80 мг/кун).
- А гуруҳи – L-аргинин аспартат (3 г/кун).

Кузатиш 3 ой давом этган. Тадқиқотда қон зардобидидаги VEGF ва ET-1 даражалари ELISA усулида баҳоланди. Беморларнинг эхокардиография параметрлари ультратовуш диагностикаси асосида ўрганилди. Олинган маълумотлар Microsoft Excel ёрдамида статистик таҳлил қилинди, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар Студент тести, хи-квадрат тести, Пирсон корреляция таҳлили орқали баҳоланди.

Тадқиқот натижалари ЮИК ва юрак етишмовчилигида VEGF ва ET-1 ролини баҳолаш, шунингдек, турли даволаш усуллариининг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган.

Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

**«Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эндотелий ва миокарднинг структуравий ва функционал ҳолати»** диссертациясининг учинчи боби бўлиб, миокард ва эндотелиал ремоделланиш хусусиятлари ва эндотелиал дисфункция белгиларининг концентрацияси ўртасидаги патогенетик муносабатларни тавсифлайди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, эндотелиал дисфункциянинг гуморал белгилари юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда соғлом кўнгиллилар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган (3-жадвал). Шундай қилиб, юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда VEGF концентрацияси 11,09 марта ( $p < 0,001$ ), ET-1 - 10,33 марта ( $p < 0,001$ ) га ошди.

Корреляция таҳлили VEGF концентрацияси ва зарарланган коронар хуудлар сони ( $r=0,84$ ,  $p < 0,01$ ) ўртасида кучли ижобий боғлиқлик, майдонлар ( $r=0,68$ ,  $p < 0,01$ ) ва ET-1 концентрацияси ва VEGF концентрацияси ўртасида ( $r=0,68$ ,  $p < 0,01$ ) шунингдек, ET-1 концентрацияси ва таъсирланганлар сони ўртасидаги ўртача кучнинг ижобий муносабатини аниқлади.

### 1-жадвал

#### Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ва соғлом одамларда эндотелийнинг структуравий ва функционал ҳолатининг қиёсий хусусиятлари

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=20)	Юрак ишемик касаллиги (n=108)
Томир эндотелий ўсиш омили, пг/мл	76,45±10,90	848,09±77,50***
Эндотелин-1, фмоль/л	0,22±0,02	2,27±0,15***
Елка артерияси 0, мм	4,19±0,15	4,18±0,07
Елка артерияси 1, мм	4,35±0,15	4,25±0,07
Эндотелийга боғлиқ вазодилатация, %	16,55±0,46	7,08±0,62***

Эслатма: \* - гуруҳлар орасидаги фарқларнинг аниқлиги. Бир белги -  $p < 0,05$ , иккита белги -  $p < 0,01$ , учта белги -  $p < 0,001$ .

Шунингдек, қон томир тўшагининг функционал ремоделланиши соғлом одамлар билан солиштирганда эндотелийга боғлиқ вазодилатация даражасининг 2,34 баравар камайиши билан тавсифланади ( $p < 0,001$ ). Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморлар гуруҳида беморларнинг кўпчилигида (55,55%) ЭБВД етарли эмас (10% дан кам), беморларнинг 11,11% парадоксал вазоконстрикцияга эга.


Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда, эндотелиал дисфункциянинг ривожланишига қарамасдан, ЕА диаметри соғлом одамлар гуруҳидаги томирнинг диаметридан дастлаб ва 5 дақиқалик артериал сиқилишдан кейин фарқ қилмади.

Корреляция таҳлили шуни кўрсатдики, эндотелиал дисфункциянинг қиймати ва эндотелиал дисфункция белгиларининг концентрацияси ўртасида

сезиларли салбий боғлиқлик мавжуд: VEGF концентрацияси билан кучли ( $r=-0,80$ ,  $p<0,01$ ) ва ET-1 концентрацияси билан ўртача. ( $r=-0,61$ ,  $p<0,01$ ).

ЕАда қон оқимининг максимал тезлиги динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЮИК бўлган беморларда тадқиқотнинг барча босқичларида максимал тезлик соғлом кўнгиллилар гуруҳига қараганда паст бўлган (дастлаб 1,21 марта, декомпрессиянинг 5-секундида 1,51 марта ва 60 секундида 1,39 да марта) сиқишни олиб ташлангандан кейин тезликнинг пастроқ ўсиши билан: шунинг учун декомпрессиянинг 5-секундига нисбатан нисбий динамика ЮИК гуруҳида  $\pm 1,50\%$ , мос равишда (2,57 марта кам,  $p<0,001$ )  $20,48\pm 0,59\%$ , НГда  $51,25\pm 3,48\%$  (динамика 2,50 марта кам,  $p<0,001$ ), 60-сонияда -  $10,19\pm 0,36\%$  ва  $26,20\pm 1,50\%$  ни ташкил этди.

Корреляция таҳлили VEGF концентрацияси билан кўпроқ ва ET-1 концентрацияси билан камроқ аниқ бўлган эндотелиал дисфункциянинг гуморал белгилари билан тестнинг барча босқичларида ЕА да қон оқими тезлиги ўртасида сезиларли салбий муносабатлар мавжудлигини кўрсатди (1-расм).



Эслатма: \* - корреляция коэффицентининг ишончилиги. Бир белги -  $p<0,05$ , иккита белги -  $p<0,01$ .

Эхокардиография тадқиқоти шуни кўрсатдики, юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан юракнинг барча камералари кенгайган (4-жадвал): юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда чап бўлмача (ЧБ) нинг назорат гуруҳига нисбатан ўсиши 59,27 %, чап қоринча (ЧҚ) – 37,86%, ўнг қоринча (ЎҚ) – 31,56% ва ўнг бўлмача (ЎБ)– 49,18% (барча кўрсаткичлар бўйича гуруҳлараро фарқларнинг ишончилиги –  $p<0,001$ ) ни ташкил этди. Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда қоринчалараро тўсиқ (ҚАТ) қалинлиги назорат гуруҳига ( $p<0,01$ ) нисбатан сезиларли даражада каттароқ (10,72%) эди, бу ишемик апоптозга жавобан миокард

гипертрофиясини акс эттиради. Чап қоринча орқа девори (ЧҚОД) калинлиги гуруҳлар ўртасида фарқ қилмади. Гипертрофияга нисбатан дилатациянинг устунлиги юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда чап қоринча деворининг нисбий калинлиги (ЧҚДНК) даражасининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди (14,74% га, гуруҳлараро фарқларнинг ишончлилиги -  $p < 0,01$ ). Юрак бўшлиқларининг кенгайиши бўшлиқларнинг геометриясини ўлчаш билан бирга бўлди, шунинг учун юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда чап қоринча шарсимон индекси (ЧҚ ШИ) 18,88% га ошди ( $p < 0,001$ ).

Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ЧҚ миокардининг массаси назорат гуруҳига нисбатан 90,06% га ( $p < 0,001$ ) ошди. Шундай қилиб, юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморлар гуруҳида беморларнинг кўпчилиги (93 киши - 86,11%) ЧҚ гипертрофияси (ЧҚГ, ЧҚММи 110 г / м<sup>2</sup> ёки ундан кўп) бўлган.

ЧҚ систолик функцияси юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда минтақавий қисқарис бузилиш индекси ошиши характерланади ва НГ билан солиштирганда (53,09% га,  $p < 0,001$ ) минтақавий контрактилик бузилишларини акс эттиради, шунингдек умумий систолик функция кўрсаткичининг (НГ кўрсаткичига нисбатан -14,00%,  $p < 0,001$ ) пасайиши билан тавсифланади.

ЎҚ систолик функцияси майдон кичрайиш фракцияси (МКФ) индексининг пасайиши билан тавсифланган - ЎҚ бўшлиғининг мураккаб геометрияси туфайли майдон бўйича ҳисобланган ЎҚ учун қисқариш фракцияси (ҚФ) аналог. Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ЎҚ МКФ назорат гуруҳига қараганда 8,27% га кам ( $p < 0,05$ ).

Диастолик функция юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларнинг 100 фоизида турли хил дисфункцияларни аниқлади, назорат гуруҳида диастолик дисфункция (10,97%, гуруҳлар ўртасида диастолик дисфункциянинг турли хил турлари билан касалланиш даражасидаги гуруҳлараро фарқларнинг ишончлилиги квадрат  $4 \times 2 = 57,67$ ,  $p < 0,001$ ) фақат 11 беморда қайд этилган. Диастолик функциянинг бузилишлари орасида кечиктирилган бўшашиш варианты устунлик қилди.

Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда ЎҚ диастолик тўлдирилиши ҳам бузилган (беморларнинг 59,26%), назорат гуруҳи вакилларида диастолик тўлдириш нормал эди (диастолик тўлдиришнинг турли хил вариантлари пайдо бўлиш частотасидаги гуруҳлараро фарқларнинг ишончлилиги квадрат  $2 \times 4 = 23,70$ ,  $p < 0,001$ ).

Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда ЧҚ диастолик ва систолик функцияларининг бузилиши ЧБ бўшлиғида ва ўпка артирияси (ЎА) тизимида ўртача босимнинг 64,17% га ошишига олиб келди ( $p < 0,001$ ). ЮИК гуруҳидаги 80 беморда (74,07%), тезлашув вақтининг ЎА клапанидаги чиқариш вақтига нисбати билан аниқланган ЎАдаги ўртача босим нормал қийматдан (19 мм.сим.уст.) ошиб кетди.

Тадқиқотда Теі индекси - миокард фаолиятининг ажралмас индекси, миокарднинг самарадорлигини тавсифловчи, яъни интравентрикуляр босимнинг самарали ўзгариши учун зарур бўлган вақт ўрганилди. Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда Теі индекси НГ индексига нисбатан ошди (чап қоринча учун 27,19%,  $p < 0,01$  ва ўнг қоринча учун 18,35%, н.д.).


2-жадвал

**Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ва соғлом одамларда миокарднинг структуравий ва функционал ҳолатининг қиёсий хусусиятлари**

	Назорат гуруҳи	барча ЮИК
Чап бўлмача, мл/м <sup>2</sup>	26,90±1,75	42,84±0,87***
Чап қоринча, мл/м <sup>2</sup>	51,55±1,55	71,06±2,20***
Чап қоринча отиш фракцияси % (Simpson)	61,00±1,25	52,46±0,94***
Чап қоринча миокард массаси индекси, г/м <sup>2</sup>	87,20±2,52	165,73±4,93***
Чап қоринча деворининг нисбий қалинлиги, нисбий бирлик	0,37±0,01	0,31±0,01**
Қоринчалараро тўсик, мм	9,40±0,23	10,41±0,19**
Чап қоринча орқа девори, мм	9,55±0,20	9,61±0,12
Шарсимонлик индекси, нисбий бирлик	0,54±0,07	0,64±0,01***
Минтақавий қисқариш бузилиш индекси, балл	1,00±0,00	1,53±0,04***
Теі Чап қоринча, нисбий бирлик	0,60±0,01	0,77±0,06**
Ўпка артерияси ўртача босими, мм.сим.уст.	14,85±0,27	24,38±0,68***
Теі Ўнг қоринча, нисбий бирлик	0,63±0,01	0,75±0,06
Ўнг қоринча, см <sup>2</sup> /м <sup>2</sup>	19,70±0,54	25,91±0,70***
Ўнг қоринча майдон кичрайиш фракцияси, %	48,40±1,53	44,40±0,63*
Ўнг бўлмача, см <sup>2</sup> /м <sup>2</sup>	15,25±1,12	22,75±1,28***

Эслатма: \* - гуруҳлар орасидаги фарқларнинг аниқлиги. Бир белги -  $p < 0,05$ , иккита белги -  $p < 0,01$ , учта белги -  $p < 0,001$ .

Корреляция таҳлили VEGF ва ET-1 эндотелиал функциясининг гуморал омиллари концентрацияси ва миокардни ремоделланиш хусусиятлари ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди: юрак камералари, ЧҚММи, МҚБИ, ЎА ўртача босими ва ЎҚ нинг МКФ билан ижобий муносабат ва ҚАТ қалинлиги, ЧҚДНҚ, ЧҚОФ қиймати билан салбий муносабат (2-расм). ET-1 концентрациясига нисбатан VEGF концентрацияси билан боғлиқлик кўпроқ аҳамиятга эга.



Эслатма: \* - корреляция коэффицентининг ишонччилиги. Бир белги -  $p < 0,05$ , иккита белги -  $p < 0,01$ .

Тадқиқот юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ривожланиши нуқтаи назаридан эндотелий дисфункцияси белгиларининг прогностик аҳамиятини ўрганишга ҳаракат қилди. Ушбу тадқиқотда қабул қилинган СЮЕ мезони ЧҚОФ эди. Шу мақсадда ЧҚОФ 50% ва ундан юқори (68 киши, 62,96%) ва ЧҚОФ 50% дан паст бўлган беморлар (40 киши, 37,04%), шунингдек, VEGF концентрацияси ўртача (654 пг / мл, 54) дан юқори бўлган беморлар, 50% ва ўртачадан паст (54

бемор, 50%) ва ET-1 концентрацияси ўртачадан юқори (1,95 фмол / л, 54 бемор, 50%) ва ўртачадан паст бўлган беморлар (54 бемор, 50%, жадвал. 5).

ЧҚ систолик дисфункцияси бўйича 654 пг / мл дан юқори VEGF концентрациясининг прогнозли сезгирлиги 77,50%, ўзига хослик - 66,18%, самарадорлик - 70,37% (хи квадрат = 19,26,  $p < 0,001$ ) ва ET-1 концентрацияси 1,95 фмол / л дан юқори 1 – мос равишда 70,0%, 61,76% ва 64,82% (хи квадрат=10,20,  $p < 0,01$ ).

### 3-жадвал

**Эндотелиал дисфункция белгиларини ҳисобга олган ҳолда чап қоринча систолик дисфункциясининг диагностик самарадорлиги ва нисбий хавфи (чап қоринча отиш фракцияси бўйича гуруҳдаги нисбий улуши қавс ичида берилган)**

Мезонлар	Чап қоринча отиш фракцияси 50% ёки ундан кўп (n=68)	Чап қоринча отиш фракцияси 50% дан кам (n=40)	Чап қоринча отиш фракцияси хавфи 50% дан кам	мезонда чап қоринча отиш фракцияси нисбий хавф 50% дан кам
Томир эндотелий ўсиш омили 654пг/мл дан юқори (n=54)	23 (33,82%)	31 (77,5%)	57,41%	3,44
Томир эндотелий ўсиш омили 654пг/мл дан паст (n=54)	45 (66,18%)	9 (22,5%)*	16,67%	
Эндотелин-1 1,95 фмол/л дан юқори (n=54)	26 (38,24%)	28 (70,0%)	51,82%	2,33
Эндотелин-1 1,95 фмол/л дан паст (n=54)	42 (61,76%)	12 (30,0%)^^	22,22%	

Эслатма: \* - гуруҳлараро частоталар фарқининг ишончилиги хи квадрат  $2 \times 2 = 19,26$ ,  $p < 0,001$ ; ^^ - гуруҳлараро фарқнинг ишончилиги хи квадрат  $2 \times 2 = 10,20$ ,  $p < 0,01$ .

Тадқиқот, шунингдек, миокардни ремоделланиши (ремоделланиш кичик тури), эндотелий (парадоксал вазоконстрикция) ва коронар қон оқимининг (уч томирли шикастланиш, 6-жадвал) гемодинамик белгиларининг диагностик аҳамияти ва нисбий хавфини аниқлади.

Уч томирли шикастланиш: сезувчанлик - 62,5%, ўзига хослик - 85,29%, диагностик сезгирлик - 76,85% (хи квадрат  $2 \times 2 = 26,11$ ,  $p < 0,001$ ).

Парадоксал вазоконстрикция: сезувчанлик 30,0%, ўзига хослик - 100%, диагностик самарадорлиги - 74,08% (нд).

ЧҚ дилатацияси ва гипертрофия турига кўра миокардни ремодделлаш: сезувчанлик - 45,0%, ўзига хослик - 92,65%, диагностика самарадорлиги - 75,0% (хи квадрат  $2 \times 2 = 21,02$ ,  $p < 0,001$ ).

#### 4-жадвал

### Гемодинамик белгиларни ҳисобга олган ҳолда диагностика самарадорлиги ва чап қоринча систолик дисфункциясининг нисбий хавфи (чап қоринча отиш фракцияси бўйича гуруҳдаги нисбий нисбат қавс ичида берилган)

Мезонлар	Чап қоринча отиш фракцияси 50% ёки ундан кўп (n=68)	Чап қоринча отиш фракцияси 50% дан кам (n=40)	Чап қоринча отиш фракцияси хавфи 50% дан кам	мезонда чап қоринча отиш фракцияси нисбий хавф 50% дан кам
Уч томирли шикастланиш (n=35)	10 (14,71%)	25 (62,5%)*	71,43%	3,48
Бир ва икки томирли шикастланиш (n=73)	58 (85,29%)	15 (37,5%)*	20,55%	
Парадоксал вазоконстрикция (n=12)	0 (0%)	12 (30%)**	100%	3,43
Эндотелийга боғлиқ вазодилатация 0 ва ундан юқори (n=96)	68 (100%)	28 (70,0%)*	29,17%	
Чап қоринча гипертрофияси+/ дилатацияси+ (n=23)	5 (7,35%)	18 (45,0%)*	78,26%	3,02

Чап қоринча гипертрофияси + ва Чап қоринча гипертрофияси - (n=85)	63 (92,65%)	22 (55,0%)^^	25,88%	
---	-------------	--------------	--------	--

Эслатма: \*\* - гуруҳлараро частоталар фарқининг ишончлилиги хи квадрат  $2 \times 2 = 26,11$ ,  $p < 0,001$ ; ^^ - гуруҳлараро фарқнинг ишончлилиги хи квадрат  $2 \times 2 = 21,02$ ,  $p < 0,001$ .

Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирган хулоса билан тугаган.

**Диссертациянинг тўртинчи боби «Миокарднинг ишемик ремоделланиши нуқтаи назаридан эндотелий дисфункцияси учун дори терапиясининг самарадорлиги»** Триметазидин ва Л-аргининни асосий терапияга киритиш асосида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг динамикасини тавсифлайди.

Тадқиқотга киритилган юрак ишемик касаллиги бўлган барча беморлар тасодикий равишда 2 даволаш гуруҳига бўлинган. Гуруҳлар ўрганилган антропометрик ва юрак-қон томир параметрлари бўйича таққосланган (7-жадвал), Т гуруҳида сезиларли даражада юқори бўлган имплантация қилинган стентларнинг ўртача сони бундан мустасно ( $p < 0,05$ ).

Иккала терапевтик гуруҳда VEGF концентрациясининг сезиларли пасайиши кузатилди (иккала гуруҳдаги дастлабки маълумотлар билан  $p < 0,001$  сезиларли фарқ), триметазидинни қўллаш билан аниқроқ (гуруҳлар орасидаги нисбий динамикада сезиларли фарқ  $p < 0,001$ ), бу эса ушбу гуруҳдаги маркернинг концентрациясининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди ( $p < 0,05$ ). ET-1 концентрацияси иккала таққослаш гуруҳида ҳам сезиларли даражада камайди (дастлабки маълумотлар билан  $p < 0,001$  сезиларли фарқ), ҳар иккала гуруҳда динамикада фарқларсиз.

ЕА диаметри иккала гуруҳда ҳам сезиларли даражада камайди - манжетни сиқишдан олдин ва кейин ( $p < 0,001$  ҳар иккала таққослаш гуруҳидаги дастлабки маълумотлар билан фарқнинг аниқлиги, сиқиш тестининг иккала босқичида), аммо, А гуруҳида динамика сезиларли даражада катта эди (гуруҳлар орасидаги нисбий динамикадаги фарқнинг  $p < 0,001$  аниқлиги). Натижада, кузатувнинг 3-ойида эришилган ЕА диаметри Л-аргининни қабул қилган беморлар гуруҳида сезиларли даражада каттароқ бўлди (синовнинг иккала босқичида гуруҳлараро фарқнинг  $p < 0,001$  аниқлиги), бу, эҳтимол, унинг фармакологик хусусиятлари билан боғлиқ азот оксиди донатори.

Гуруҳлар орасидаги нисбий динамикада сезиларли фарқ бўлмаган ҳолда, ЭБВД даражаси иккала гуруҳда ҳам кузатув пайтида ортди ( $p < 0,001$  дастлабки маълумотлардан сезиларли фарқ).

Юракни ремоделланиши нуқтаи назаридан, иккала гуруҳда ҳам юракнинг чап камералари ҳажмининг клиник жиҳатдан аҳамиятсиз пасайиши

(Т гуруҳида ЧБи нинг дастлабки маълумотлари билан фарқнинг  $p < 0,01$  аниқлиги, фарқнинг  $p < 0,05$  аниқлиги А гуруҳидаги ЧБи ва иккала гуруҳдаги ЧҚи нинг дастлабки маълумотлари билан) қайд этилди. Барқарор девор қалинлиги фонида ЧҚ ҳажмларининг пасайиши девор нисбий қалинлиги (ДНҚ) нинг сезиларли пасайишига (ҳар икки гуруҳда  $p < 0,001$  сезиларли фарқ) олиб келди. ЧҚ ҳажмининг пасайиши бўшлиқ геометриясининг яхшиланиши билан боғлиқ эди (ШИда пасайиш, ҳар иккала гуруҳда  $p < 0,001$  сезиларли фарқ). Сферик деформация даражасининг пасайиши билан ЧҚ геометриясининг ўзгариши ДНҚ нинг сезиларли даражада пасайишига (35% га) олиб келди, ЧҚи нинг атиги 2,19% ва 1,36% га камайиши (мос равишда Т ва А гуруҳлари). ЧҚ геометриясининг яхшиланиши ЧҚ миокард фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам берди, бу ЧҚ миокарди фаолияти интеграл индекси ( $Te_i$ ) нинг пасайиши билан (ҳар иккала гуруҳдаги дастлабки маълумотлар билан фарқнинг  $p < 0,001$  аниқлиги) намоён бўлди. Ушбу ўзгаришлар, дастлабки ЧҚОФ ва МКБИ сақланишига қарамай, пост-капилляр ўпка гипертензиясининг оғирлигининг пасайишига (ЎА ўртача босимининг пасайиши, ҳар иккала гуруҳдаги дастлабки маълумотлар билан фарқнинг  $p < 0,001$  аниқлиги) ёрдам берди. Кичик қон айланиш доирасидаги босимнинг пасайиши ЎҚ га юқнинг пасайишига олиб келди, бу миокард функцияси самарадорлигининг яхшиланиши билан намоён бўлди: ЎҚ  $Te_i$  нинг пасайиши ва ЎҚ МКФ нинг ошиши ( $p < 0,001$  аниқлиги ҳар иккала гуруҳдаги иккала параметрнинг дастлабки маълумотларидан фарқ). Юракнинг структуравий ва функционал параметрларидаги барча ўзгаришлар иккала таққослаш гуруҳида ҳам солиштириш мумкин эди.

#### 5-жадвал

### Триметазидин ва L-аргининни стандарт терапияга киритиш фонида юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда миокард ва эндотелиал функция кўрсаткичларининг қиёсий динамикаси.

	Дастлабки Т (n=56) А (n=52)	3 оу	Нисбий динамика (%)
Ёши, йил	$65,36 \pm 9,44$ $69,21 \pm 13,96$		
Оғирлиги, кг	$76,63 \pm 2,79$ $78,90 \pm 2,21$		
